



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **22** yil « **4** » **mart**

№ **93**

Toshkent sh.

### **Ўрмон фонди ерларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тоғ ва тоғолди ҳудудларда ноёб ҳамда йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш, қайта тиклаш ҳамда ўрмон фонди ерларида экотуризмни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг ўрмон фонди ерларида давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида тегишлича “Оролқум”, “Поп”, “Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг” ва “Боботоғ” миллий табиат боғларини (кейинги ўринларда – миллий табиат боғлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

“Оролқум”, “Поп”, “Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг” ва “Боботоғ” миллий табиат боғларининг ер майдонлари 1-иловага мувофиқ;

“Оролқум”, “Поп”, “Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг” ва “Боботоғ” миллий табиат боғларининг кўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиладиган зоналари учун ажратиладиган ер майдонлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси миллий табиат боғларининг муассиси ҳисобланади;

миллий табиат боғларининг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 24-бандига мувофиқ молиялаштирилади;

миллий табиат боғларининг жорий харажатларини молиялаштириш ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган штат бирликларини сақлаш Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ер майдонлари қисқартириладиган давлат ўрмон хўжаликларининг тегишли маблағларини ҳамда штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан ҳамда белгиланган меъёрларга асосан амалга оширилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари:

**бир ой муддатда** Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда миллий табиат боғларининг қўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида ҳамда бошқа тарзда фойдаланиш зоналари чегаралари белгиланишини;

**икки ой муддатда** Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда миллий табиат боғлари учун ер майдонларини ажратишга доир ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳамда кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чоралари қўрилишини;

**уч ой муддатда** Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда миллий табиат боғларининг ижро этувчи аппаратларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштириш учун тегишли бинолар ажратилишини таъминласин.

5. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **икки ой муддатда:**

миллий табиат боғлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

миллий табиат боғларини малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 4 ” март даги 93 -сон қарорига  
1-илова

**“Оролқум”, “Поп”, “Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг” ва “Боботоғ” миллий табиат боғларининг  
ЕР МАЙДОНЛАРИ**

<b>Т/р</b>	<b>Миллий табиат боғи номи</b>	<b>Умумий ер майдони, гектар</b>	<b>Жойлашган ҳудуди</b>	<b>Олдинги ердан фойдаланувчилар</b>	<b>Берилаётган ерларнинг тоифаси</b>
1.	“Оролқум” миллий табиат боғи	1 000 000	Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани	Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
2.	“Поп” миллий табиат боғи	10 000	Наманган вилояти, Поп тумани	Поп ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	
3.	“Омонқўтон” миллий табиат боғи	1 500	Самарқанд вилояти, Ургут тумани	Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	
4.	“Юқори Тўпаланг” миллий табиат боғи	27 851	Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани	Узун давлат ўрмон хўжалиги	
5.	“Боботоғ” миллий табиат боғи	12 064	Сурхондарё вилояти, Узун тумани	Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги	

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 4 ” мартдаги 93 -сон қарорига  
2-илова

**“Оролқум”, “Поп”, “Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг” ва “Боботоғ” миллий табиат боғларининг  
қўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари учун ажратилadиган  
ЕР МАЙДОНЛАРИ**

(гектар)

Т/р	Миллий табиат боғи номи	Умумий ер майдони	Шундан:		
			қўриқхона зонаси	рекреация зонаси	хўжалик мақсадида фойдаланиш зонаси
1.	“Оролқум” миллий табиат боғи	1 000 000	700 000	200 000	100 000
2.	“Поп” миллий табиат боғи	10 000	6 000	3 000	1 000
3.	“Омонқўтон” миллий табиат боғи	1 500	1 000	400	100
4.	“Юқори Тўпаланг” миллий табиат боғи	27 851	18 000	6 851	3 000
5.	“Боботоғ” миллий табиат боғи	12 064	8 000	3 000	1 064
<b>Жами:</b>		<b>1 051 415</b>	<b>733 000</b>	<b>213 251</b>	<b>105 164</b>

